



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Тахрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишоновна О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – пс х.д

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти ..	4
Bohodirov I, Jurayev B. Turkistonda XIX asr o'rtalarida armiya va harbiy ta'lim (Buxoro misolida).....	6
Йўлдошев А. Қирғизистон ўзбеклари жамоат ташкилотлари тарихига бир назар	10
Патхиддинов Р. Фарғона вилоятида безгак касаллиги	14
Раджабов О. Индустрлаштириш йилларида Ўзбекистон темир йўл тизимининг матбуотда ёритилиши	17
Элмуратова Ш. Давлат намоёниси Усмон Юсупов уй-музейининг ташкил этилиши, фаолиятининг муҳим йўналишлари	19

Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология

Abdullayev N. Biologiya va kimyo fanlariga muvofiq tizimli tahlil asosida fizikani o'qitish metodlari	23
Абдуллаева Ч. Оказионализмы в рекламном дискурсе	26
Абдуллажанова Д. Влияния социальных стереотипов как фактор женской активности в управлении	30
Алимова М. Маҳалла институти – жамоатчилик назоратининг бир кўриниши	34
Alimova N. Use of innovative methods in teaching world literature use of innovative methods in teaching world literature	37
Aralov M. Talabalarni o'qitishda dasturiy vositalar yordamida kartalar bilan ishlash hamda tizimli yondashuv asosida o'qitishni takomillashtirish	40
Aslanova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mutolaaga qiziqitirishda o'yin-mashqlardan foydalanishning afzalliklari.....	44
Ахмаджонов О. Замонавий жамиятда электрон маданиятнинг хусусиятлари	47
Бурханов Х. Рақамли жамиятда миллий сегмент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.	50
Valiyeva Sh. The importance of multimedia in education.....	54
Давидов У. Глобаллашув жараёнида миллий ғоя -мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш омили сифатида	57
Зияева М. Лойиҳалаш мустақил таълимни ривожлантиришнинг дидактик воситаси сифатида	60
Ibaydullayeva U. Ota-ona va farzand o'rtasidagi nizoning psixologik omillari	63
Ибрагимов А. Таълимда когнитив тадқиқотлар: назария, шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари	66
Ishonxanova I. Umumta'lim maktablarining 6-sinfida alisher navoiy hayoti va ijodining o'rganilishidagi muammolar.....	69
Қандов Б. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ижтимоий-фалсафий асослари.....	73
Qivondiqov S. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти	77
Мирзақулов И. Узлуксиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш	80
Мухаметов А. Юкори малакали спорчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириш усуллари	83
Мухаммадиев К. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштириш	86
Назаров С. Жисмоний машқлар орқали ўқувчиларда чарчокни олдини олиш воситалари	90
Назирова Қ. Узлуксиз мусика таълими тизимига инновацион ёндашув	92
Raupova L., Axmedova M. Oliy filologik ta'limda talabalarining nutqiy kompetentsiyasni rivojlantirishda kredit-modul tizimiga o'tishning amaldagi holati va istiqbollari	95
Raximov V. Talabalarda sog'lom turmush tarzi hayotiy ko'nikmalarini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlarini takomillashtirish	98
Рахманов Б. Миллий ғояни ревожлантириш омиллари	101
Ruziyev A. Brass usulida suzish texnikasini o'rgatish.....	105
Саидова К. Человек как субъект жизни в русской экзистенциальной философии	109
Saidazimova I., Tahirova N. Motivation in foreign language acquisition: analysis of the shift from intrinsic to extrinsic motivation.....	113
Тошматов А., Рискулова М. Таълимда мавзулаштирилган видеодарсликлар яратиш	117
Тоштемирова С. Узлуксиз таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг педагогик стратегиялари	120
Тўраев Ш., Оймиров С., Мухиддинова М. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларида хавфларни баҳолашнинг жорий қилишнинг асослари	124
Turakulov O., Halimov O'. Muhandis mutaxassislarida matematik kompetentligini rivojlantirish vositasi sifatida ikki karrali integrallarni hisoblash usullari.....	129
Туракулова А. Вовлеченность родителей в жизнь детей и её последствия для развития ребенка	133
Umarov B. Post modernist methods of teaching foreign language.....	136
Урунова Ш. Инглиз тили ўқитишда терминологик лексикани ўзига хос хусусиятлари	139
Усмонов А. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти	142
Файзиёва О. Силовая подготовка в физическом воспитании студентов	145
Xasanova S. Maktabgacha yosh davri bolalarida qo'rquv va xavotirlanish holatlarini yuzaga keltiruvchi omillar	149
Холиқов С. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий асослари.....	152

Шамсиев Ў. Мактабгача ёшдаги болалар ўзини-ўзи англашига таъсир этувчи муносабатлар	156
Эрмирзаев А. Юкори синф ўқувчиларига инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш илмий-методик муаммо сифатида	161
Yuldashev U. Bo'lajak mutaxassislarining web-texnologiyalardan foydalanish bo'yicha kasbiy kompetentligini rivojlantirish	165

Филология

Абдувахобова М. Лингвофольклоршунослик ва Симпсон типологияси: фанлараро муносабатлар	169
Абдуқаҳҳоров С. Қалин ва маҳр атамаларининг лингвокультурологик таҳлили	172
Абраева Ш. Француз тили лексик системасида лотин ва юнон морфемаларининг лингвистик хусусиятлари (тиббий матнлари асосида)	175
Азимова А. К вопросу выражения модальных признаков в корейском языке (на примере форм долженствования)	178
Аташикова Н. Учет жанровой специфики при отборе профессионально-ориентированного содержания обучения английскому языку студентов-экономистов	181
Ашурова Н. Рисолат Ҳайдарованинг "Жавзо" романида аёллар образи тасвири	185
Барлибоева С. Сиёсий коммуникацияда лингвопрагматик бирликларнинг қўлланилиши	189
Baxridinova E. O'zbek va nemis tillarida kulgi freymi va uni ifodalovchi leksik birliklar	192
Бекмуродова З. Хиазмнинг лингвистик таърифи ва турлари	195
Бердиева Ш. Авторское «я» в маърифий романае «Чулпан» Н.Ф.Каримова	198
Ганиев М. Тарихий романда конфликт(Нурали Қобулнинг "Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон" романи мисолида)	202
Gibraltarskaya O. Representation of artistic systems of XX century Russian writers	206
Джафарова Д. Тилшуносликда "хотира"/"mémoire"ни ифодаловчи фразеологик бирликлар ҳамда уларнинг матнлар орқали қилинган таҳлили	210
Dusanova T. Alisher Navoiyning "Mahbub ul-qulub" asarida nasr va nazm uyg'unligi	212
Ёрматова Ё. Жаҳон тилшунослигида интерференция тушунчаси ва унинг турлари	216
Jumayeva M., Jo'rayeva B. Lingvokulturologiya va etnolingvistika munosabati	219
Jo'rayeva B., Ubaydova N. Qarama-qarshilikning lingvistik aspekti	222
Ибрагимов Ш., Рашед Айед Р. Ал Харби. Роль и место гражданской журналистики в общественной жизни Саудовской Аравии	226
Исакова Г. Компонентларни алмаштириш усулининг қанотли сўзларда намоён бўлиши	230
Iskandarova D. Semantic structure of food idioms in the English and Uzbek languages	233
Каримова Д. Турли фанлар доирасида "ўлим" концептининг мазмуний ифодаланиши	237
Xiaowei Yu. Theoretical foundations of the study of sports terminology	240
Мавлонова М. Инглиз тилидан ўзлашган ахборот коммуникация технологиялари терминларини ўзбек тили лексик тизимига график, фонетик, семантик мослаштириш жараёнлари	243
Мадалиева Д. Философская проблематика романа М.Ю.Лермонтова "Герой нашего времени"	247
Murodova D. Effective language lesson planning	250
Отаханова М. "Масофа" ва "ҳажм" лексемаларининг луғавий талқинга доир назарий-фалсафий асослари ва амалий тадқиқот йўналишлари	253
Rasulova N. Toponyms as lexic and semantic, stylistic component expressing color designation in the english language	257
Расулова Н. Тиббий терминларининг айрим ўзига хос хусусиятлари (А.Қосимовнинг «Тиббий терминлар изоҳли луғати»ни ўрганиш юзасидан)	260
Рашед Айед Р. Ал Харби. Формы и методы освещения в СМИ вопросов паломничества и туризма	263
Рустамов Д. Драматик асарлар матнида морфологик бирликларнинг социопрагматик таҳлили	268
Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек электрон луғатларида субстандартнинг статистик таҳлили ва унинг таржима муаммолари	272
Сафарова Х. Француз тилидан инглиз тилига ўзлашмаларнинг диахрон ва синхрон таҳлили	276
Уралов А. Аффиксондлар масаласи ва улардаги номуносивликлар	279
Usarova D., Ganapathi N. Problems and methods of translating legal terminology	282
Цой Т. Изучение фразеологических сочетаний в корейском языке	285
Эгамбердиева Г. Способы использования гипербола в сказках и дастанах	288
Юсупова Г. Корейс ва ўзбек тилларида узр/кечирим сўраш нутқ актининг ифодаланиши	292
Юсупова Қ. "Озода ва ёруғ томонда" ҳикоясида қаҳрамонлар руҳияти ўртасидаги муштарақлик	295



УДК: 37:373./123.4:(001)

Саодат ТОШТЕМИРОВА,

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, н.ф.ф.д. (PhD)

E-mail: toshtemirovasaodat@gmail.com

ЎзДЖТСУ доценти, т.ф.н. Б.Б.Жаҳонгиров тақризи асосида

PEDAGOGICAL STRATEGIES FOR TEACHING HISTORY IN A CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM

Abstract

The article analyzes the current state of historical education, the problems that exist in it, provides a scientific and theoretical basis for the training of competitive personnel by creating a modern look for historical education, increasing mobility, and ensuring continuity in the system of continuous education. Recommendations are given on the introduction of history education clusters based on a modular-competent approach by reforming the system of legal documents, bringing them in line with international standards, adapting to the requirements of the credit model system, and ensuring integration into lifelong education.

Keywords: historical education, methodology, integrated quality, competence, mobility, educational cluster, membership, continuity, optimization, partial programs, methodological support, historical thinking, creativity, variable curricula, competent personnel, educational cluster.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИСТОРИИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация

В статье анализируется современное состояние исторического образования, существующие в нем проблемы, дается научно-теоретическая основа подготовки конкурентоспособных кадров путем создания современного облика исторического образования, повышения мобильности, обеспечения преемственности в системе непрерывного образования. Даны рекомендации по внедрению кластеров исторического образования на основе модульно-компетентного подхода путем реформирования системы нормативно-правовых документов, приведения их в соответствие с международными стандартами, адаптации к требованиям кредитно-модельной системы, обеспечения интеграции в непрерывное образование.

Ключевые слова: историческое образование, методология, интегрированное качество, компетентность, мобильность, образовательный кластер, членство, преемственность, оптимизация, частичные программы, методическое обеспечение, историческое мышление, креативность, вариативные учебные планы, компетентные кадры, образовательный кластер

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ

Аннотация

Маколада тарих таълимининг бугунги ҳолати, ундаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳолда, тарих таълимини замонавий модернизацион кўёфасини яратиш, мобиллигини ошириш, узлуксиз таълим тизимидаги узвийлигини таъминлаш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича илмий назарий асослар келтириб ўтилган. Узлуксиз таълимда интеграциясини таъминлаган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ислоҳ қилиш, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, кредит-модель тизими талабларига мослаштириш орқали модули-компетентиявий ёндашув асосидаги тарих таълими кластерларини жорий этиш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тарих таълими, методика, интеграцион сифат, компетенция, мобиллик, таълим кластери, узвийлик, узлуксизлик, оптимизация, парциал дастурлар, методик таъминот, тарихий тафаккур, креативлик, вариатив ўқув режалар, компетентли кадр, таълим кластери

Кирish. Мамлакатимизда узлуксиз таълим турлари интеграциясини таъминлаш орқали тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда юқори компетентли педагог-кадрлар тайёрлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаганлиги, талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотларни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаганлиги[1] таъкидлаб ўтилган. Шу жihatдан, таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни ҳам қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт интеграциясини ташкил этишга қаратилган махсус концепция ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг асосий стратегияларидан бири сифатида “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш

ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилди[2]. Бу йўналишда Президентимиз томонидан “2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” яратилиши ва амалга оширилиши[3] тавсия этилди. Янги Ўзбекистоннинг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш” йўналишида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантириш” вазифаси белгиланган. Бу тарих таълимида ҳам интеграцион сифатни таъминлаш, бўлажак педагог-кадрлар касбий компетентлигини янада ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Интеграцион сифатнинг таъминланиши узлуксиз таълим муҳитида тарих таълими-ни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини такомиллаштириш лозимлигини белгилаб беради. Бу жараёни амалга ошириш Европа ва хорижий таълим тажрибаларида ўз самарадорлиги билан алоҳида намоён бўлган

ўқув кластерлари тажрибасидан миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, тарих таълимидаги давлат таълим стандартлари ва малака талабларини таълим сифатига ҳамда мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш рақобатбардош педагог-кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Республикамізда умумий ва профессионал таълим тизимининг назарий методологик асослари М.Очилов, Р.Жураев, Ю.Дик, Я.Едгоров, П.Магзумов, М.И.Махмудов, У.Нишоналиев, Ю.Смирнов, К.Х.Хошимов, А.Ходжабаев кабиларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Узлуксиз таълимда тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича, хусусан, бўлажак тарих ўқитувчиларининг ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш ва методик тайёргарлик ишлари О.Давлатов[3], А.Исмоилов[4], Қ.Шоназаров[5], Р.Ярматов [6] ва бошқа олимлар ишларида келтириб ўтилган. Республикаміз мактабларида тарих ўқитиш методикасига бағишланган илмий тадқиқотлар ва услубий қўлланмалар Т.Тошпўлатов, Н.Ремеев, Я.Гаффоров ишларида келтирилиб ўтилган[7].

Шу билан бирга бир қатор етакчи олимларимиз, А.Аскарров, Р.Муқминова, Х.Бобобеков, А.Мухаммаджонов ва бошқалар томонидан умумий ўрта таълимда тарих фанларини ўқитиш ва бу жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мавзунинг ёритишда ўқув-услубий ва илмий-методик адабиётлар таҳлили, илмий маълумотларни назарий-услубий, қиссий таҳлил қилиш, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш, суҳбат, умумлаштириш, мониторинг ва шарҳлаш каби умумий илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Тарих фанларини курслараро узвийликда олиб боришда тарихий, педагогик, психологик ва методик тадқиқотлар ва шунга мувофиқ адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методларидан фойдаланилади. Таълим амалиёти ва унинг методик таъминотини кузатиш, дарсларни таҳлил қилиш, ўқитишнинг оммавий ва индивидуал тажрибаларини умумлаштириш методлари ҳам қатта аҳамиятга эга[8].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Дунё мамлакатлари ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашишга доим тайёр бўлиш учун модернизация ва мобил қиёфада ривожланишмоқда. Тарих таълимида эса, бундай таҳдид илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида кўзга ташланади. Айниқса, халқаро талабларга жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омил бу – тарих таълимининг ривожлантиришда таълим кластерларини ташкил қилишдир. Тарих таълимида мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида интеграцион сифатни таъминлаш кўп жиҳатдан шунга қаратилган ўқув кластерларини жорий қилишни тақозо этади. Бу жараёнда таълим олувчиларни узлуксиз, изчил ва тизимли шаклда ҳаётга тайёрлаш ишлари ташкил этилади. Маълумки, жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришда инновациялар роли ортомқда, тарих таълимида ҳам олиб борилаётган турли даражалардаги инновациялар мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўзаро интеграцияни таъминлаш асосида кечиши, бунда таълим олувчининг тарих фани бўйича янги маълумотлардан хабардор бўлишга ўргатиш лозим. Бўлажак мутахассиснинг ўзини ўзи англаш малакасини шакллантириш ўз “мен”ини билишга қизиқишни сақлаб қолишни ва инсонлар ички дунёсини ўрганишни талаб қилади. Бундай “ижтимоийлашува

индивидуаллик” тарихий сиймолардаги ички дунёнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш, таҳлил қилиш ва синтезлаш-тириш орқали шаклланади [9].

Тарих фанларини ўқитишда, бўлажак мутахассисни узвийликда таъминлашда ва самарадорликни оширишда узлуксиз таълим тизимида таълим кластерларини ташкил қилиш энг самарали механизм саналади. Бунда тарих фанларини ўқитиш методикаларини такомиллаштириш ва бу соҳада бўлажак педагог-кадрлар тайёрлашда таълим муассасаларининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосидаги таълим турлари интеграцияси ҳамда курслараро узвийликни таъминлашга асосланган таълим мазмунини интеграцияси муҳим. Бу интеграция узвий равишда амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларида “Илк қадам” давлат дастури, умумтаълим тизимида миллий ўқув дастур, профессионал ва олий таълим тизимида давлат таълим стандартлари оптимизацияси йўлга қўйилмаганлиги етук ва рақобатбардош кадр тайёрлаш тизимидаги муаммоларга олиб келмоқда. Бу жараён дастурларнинг узвий мувофиқлигини таъминлашни талаб этади. Жумладан, “Илк қадам” давлат дастури асосида таълим муассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмунини маданий-тарихий қадриятлар: миллий ва ҳудудий анъаналар; табиат, иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиши[10] лозим бўлиб, болаларда тарихий саводхонликни буюк сиймолар, тарихий саркардалар, минфлар билан таништириш орқали амалга оширилади. Бунда мактабгача таълим ташкилотларида парциал ўқув дастурини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Парциал дастурлар таълим кластерининг пойдевор дастурлари бўлиб, мактабгача таълимда болани ривожлантиришнинг асосий дастурига қўшимча равишда ишлаб чиқиш лозим. Парциал дастурлар болада нозик восита қўникмаларини, соф нутқни, умумий фикрлашни шакллантиришга қаратилган дастурлар мажмун ҳисоб-ланади. Унинг амалдаги дастурлардан фарқли жиҳати болаларнинг эътиборини ўрганиш ва уларнинг қизиқарли вазифаларга йўналтиришдир. Бунинг натижа-сида бола дунё ҳақида кўпроқ билимга эга бўлади, дунёни идрок қилиш, ижодкорлик шакллана бошлайди. Парциал дастурлар турли йўналишларда ташкил қилиниши мумкин. Тарихий саводхонликни оширишга қаратилган парциал дастурларда халқ оғзаки ижоди, эртақлар, эпик қаҳрамонлар орқали амалга оширилади, бу уларда нафақат тарих ҳақида тасаввур бериш, балки хотирани ривожлантириш, мустақил фаолиятга йўналти-риш, интеллектуал қобилиятларини ёш хусусият-лари ва динамикасига мувофиқ ривожлантириш-ни ҳам назарда тутати. “Илк қадам” давлат дастурига қўшимча тарзда ишлаб чиқилган парциал дастурлар асосида буюк сиймолар, тарихий саркардалар, мутафаккир олимлар фаолияти билан ёш хусусиятларига кўра замонвий дидактик ўйинлар ташкил қилиш, кўргазмали ва таркатма материаллар, электрон ресурслар базаларини яратиш назарда тутилади.

Умумий ўрта таълимда эса, босқичлар кесимида миллий дастурга мувофиқ тарихий саводхонлик ва компетентликни ривожлантириш амалга оширилади. Бунда:

тарих фанининг илмий методик таъминотини, ўқув адабиётларини сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида такомиллаштириш;

тарих фанларини таркибини таълим олувчида мустақил мушоҳада юритиш, танқидий фикрлаш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган мазмун билан бойитиш,

тарих фанларини фанлараро, курс ва бўлимлараро алоқадорлик асосидаги компетенцияларни шаклланишига эътибор қаратиш;

компетентлик даражалари, баҳолаш мезонларини аниқлашда ва таъминлашда истеъмолчи ва етказиб берувчи субъектлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш;

тарихий даврларни ўқитишда тарихий жараёнларнинг ҳажми ва қамровидан келиб чиққан ҳолда соатлар ажратиш;

юқори босқичларда тарих фани мазмунига ёзма манбалар, архив ҳужжатлар, тарихий-бадний адабиётлардан лавҳалар ҳажмини ошириш;

моддий-техник базани тарих соҳалари интеграцияси асосида ташкил қилинадиган ўқув-лабораториялар билан таъминлаш талаб этилади.

Умумий ўрта таълим тизимида 7- синфдан бошлаб вариатив ўқув дастурлар фақатгина ихтисослашган ва синовдан ўтказиш учун маълум бир муассасаларда эмас, умумий ўрта таълим тизимида тўлиқ амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Сўнгги йиллардаги олиб борилган аксарият тадқиқотларнинг натижаларида бу усулнинг самарадорлиги асосланган [11].

Профессional таълим тизимида тарих таълими бўйича муаммолар талайгина бўлиб, таълим сифатини баҳолаш халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилмаганлиги, тарих таълими бўйича тайёрланадиган кадрларга меҳнат бозори талаблари асосида истеъмолчи субъектлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, интеграллашган дастурларда тарих таълими тамойилларининг таъминланмаганлиги ва бошқа муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Professional таълимда тарих фанини мустақил ўқишга ўргатиш, мустақил равишда шугулланишлари учун амалий машғулотлар ва топшириқлар мажмуаларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд, бунда таълим турлари бўйича тарих фанини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлайдиган ягона таълим дастурини жорий этиш тавсия этилади.

Олий таълим тизимида тарих фанларини ўқитиш методикасига жиддий эътибор қаратилмаётганлиги сир эмас, ҳали хануз тарих таълими олий таълим тизимида назарий билим олишга йўналтирилган таълим билан қилиб кетмоқда, ваҳоланки, кредит-модул тизими бу таълимни амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтишни талаб этади. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартларини жорий этиш, илмий-услубий компетентлиги юқори, тарих соҳаларига, ҳар бир мавзуга мос келадиган методикалар, хариталар, визуал материаллар тайёрлашга қодир педагог-кадрларни жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Бўлажак тарих йўналиши мутахассиси тарих таълими мазмунини чуқур идрок қилган ҳолда, олинган БКМларни мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган тарихий тафаккур, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, тадқиқотчилик компетенцияларини шаклланиши узвий равишда олиб борилади. Тарих таълимида модулли-компетенциявий ёндашув асосидаги тизим шакллантирилиши юқори самара беради. Модулли-компетенциявий ёндашувда таълим жараёнига рақамли технологияларни, замонавий усулларни, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашга қаратилган педагогик ва АКТларни татбиқ этиш лозим. Сўнгги йилларда АКТларига нисбатан ҳам модернизацион жараён сифатида қаралмоқда, бу албатта субъектлар дунёқараши, тафаккури ва интеллект даражасига боғлиқ ҳолда кечмоқда. Таълим жараёни субъектларнинг рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарурати юксалишининг энг қисқа йўлидан бориш

имконини беради. Таълим олувчи тизимли равишда билимларга эга бўлиш зарурлигини, минтақа ва глобал даражада сиёсий жараёнларнинг долзарб масалаларини мустақил таҳлил қила олишни, синтезлаштиришни, уларга ўз интеллектдан келиб чиққан ҳолда таҳлиси қўйишни билиши лозим.

Тарих фанларини ўқитишнинг янги аспектдаги методикаларини ишлаб чиқиш олий таълим муассасаларининг доимий вазифалари бўлиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Тарих фанларини ўқитиш методикаларида бўлажак ўқитувчининг келажакдаги касбий фаолиятини тасвирлаб берувчи асосий блоклари ифодаб бориш зарур. Бундан ташқари, тарих таълимида бўлажак мутахассис ўзининг шахсий ва касбий нуктаи назарига танқидий баҳо бериш; ҳар қандай фаолиятли ва жараёни ёндашувга мослашиш, шахсий мақсадларни ишлаб чиқиш, муваффақиятнинг муҳим омиллари, самарадорлик қўрсаткичлари, таълим мақсадлар ва тақомиллаштириш чораларини ўз ичига олган тўртта жиҳат: иктисодиёт, истеъмолчилар, ички жараёнлар, билим ва ўргатиш нуктаи назаридан шакллантирилиши зарур.

Тарих таълимида фанларни ўқитиш методикалари узлуксиз амалга оширилиши интеграцион сифатни таъминлайди. Бугунги кунда мазкур фанларни ўқитишда таълим берувчи асосан фаннинг назарий қисминини етказишга ва шуни таълим олувчидан талаб қилишга эътибор беради. Лекин бу фанларни бўлажак педагогга қандай самарали методикалар орқали олиб бориши мумкинлиги, "ўқишни эмас ўрганишни ўқитиш"га нисбатан ҳаракатлар амалга оширилмайди. Баъзи таълим берувчиларнинг ҳаракатларида "ўз фанимни билсам, ўқитиш қўлимдан келади" тамойили устуворлигини кўриш мумкин, лекин ўқитишнинг методикаси бўйича зарурий билимлар, педагогик-касбий компетенциялар бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблайди. Айниқса, ўқув фанларидаги амалий қисм талабанинг мустақил фаолиятга йўналтиришдан кўра догматик жараёнлар асосидаги назорат ва қабул қилишлардан иборатлигича қилиб кетмоқда. Шу сабабли ўқитувчилар ҳар бир фанини ўқитиш жараёнида унинг методикасига ҳам алоҳида эътибор қаратиши, назарий билимларда тақдим қилган ахборотга қўшимча маълумот йиғишга ўргатиш, талабани архив фондлари маълумотларини ҳам тақдим қилишга йўналтириш, олинган ахборотлар асосида унда мустақил иш намунаси тақдим қилишга имконият бериш лозим бўлади, жумладан илмий мақола, услубий қўлланма, дидактик материал, визуал материал ва ҳоказо.

Фундаментал фанлар амалий қисмида топшириқлар турини ўзгартириш мақсадга мувофиқ, жумладан, фанини мустаҳкамлаш учун тақдим этиладиган саволлар ҳам ностандарт, аниқ бир жавоб билан эмас, турли жавобларни ақс эттириладиган вариантлар, вазиятларни келтирилган ҳолда тақдим этиш лозим. Бу жараёнда талабанинг муаммолари ҳолатларда тез ва оптимал ечим топиш кўникмасини янада ривожланиши, ностандарт ва танқидий фикрлашга эришиш мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ педагогик-касбий фаолиятга тайёрлаш тизими ривожланади. Бугунги кунда ўқитувчи муайян фан бўйича мутахассис, илмий ҳодим, услубийчи, руҳшунос, бошқарувчи ва, албатта, тарбиячи ҳисобланади.

Касбий компетентликка эга мутахассисларни тайёрлаш тизими доимий эътиборда бўлиб, шу жиҳатдан тарих таълимида бу йўналишда ўқув кластерларини жорий қилиш таълим жараёнидаги "билимга оид парадигма"ни "компетентликка оид парадигма" билан алмаштирилиши талаб этади. Бунда таълимни компетентли ёндашув ҳолатига янада мувофиқлаштириш, талабаларнинг "менга ўргатишяпти, ўқитувчи билади", позициясини "мен ўрганаёман, ўқитувчи менга ёрдам бериши

мумкин" позициясига ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Билимга оид парадигмада инсонни таълимда ресурс сифатида кўриб чиқади, компетентликка оид парадигмада эса, инсонни таълимнинг асосий мақсади сифатида кўриши билан аҳамиятлидир. "Бир кун асқотиши мумкин", дея ғамлаб қўйиладиган билимлар бўлажак "педагогик-касбий фаолиятни моделлаштирувчи" билимларни эгаллашга алмаштирилади. Талабанинг қандай қилиб бўлсада тез ижтимоийлашувага ўргатиш эмас, ижтимоийлашувада индивидуалликни сақлаш ва ривожлантиришга ўргатиш муҳим саналади.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Демак, бўлажак педагогларда шаклланиши керак бўлган компетенциялар "компетентликка асосланган таълим"да ривожлантирилади. Таълим кластерида компетентли ёндашувага асосланган парадигманинг муҳим ғояларини амалга оширадиган энг истиқболли педагогик технологиялардан бири бу ўқув фанларини ўқитишни касбга йўналтириш технологиясидир. Компетентликка асосланган таълимда таълим берувчи таълим олувчида узвий-мажмуавий компетенцияларни шаклланишига эътибор қаратиши лозим. Интеграцион мажмуавий компетенциялар семантик ва мақсадни белгилайдиган (бу компетенция нима учун унга керак) рефлексив-баҳолаш-гача (у ҳаётда ушбу компетенцияни қанчалик муваффақиятли қўлайди) бўлган компетенцияларни ўз ичига олади. Уни таснифлашда эса, субъектларнинг ҳар бирига алоҳида

индивидуал компетенциялар (ўзига ўзи шахс нуктаи назаридан муносабатда бўлиш, дунёқарашга оид компетенциялар, инсон фаолиятига боғлиқ компетенциялар (креатив, когнитив) ҳамда умумий барча субъектларда ҳамоҳанг тарзда шаклланиши керак бўлган интеграцион компетенциялар (норматив, коммуникатив, регулятив, мобиллик, инсон ва ижтимоий муҳитнинг ижтимоий ўзаро таъсирга қириниши, инструментал компетенциялар, шахслараро компетенциялар)ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жамиятда қутилаётган илғор ўзгаришлар шароитида тарих таълими самарадорлигига қаратилган кластерлар ёшларда ижодкорлик қobiliяти, таълим турларининг турли босқичларига жавоб берадиган базавий компетенциялар, интеллектуал салоҳият ва дунёқарашни шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бу каби компетентликка эга тарих таълими мутахассиси жамиятнинг турли соҳаларда фаолият олиб бормасин, у ижтимоий муносабатларда ҳам, ўқув ва илмий фаолиятда ҳам илғор қаторларда ўз ўрнига эга бўлади.

Тарих таълимида мутахассислар тайёрлаш, уларнинг педагогик-касбий компетенцияларини ривожлантириш стратегик мақсадларга мувофиқ олиб борилса, олий таълимни илмий салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш масалаларининг ҳам самарадорлиги оширилади.

АДАБИЁТЛАР

1. "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли президент фармони. Тошкент. 8 октябрь 2019 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. "Ўзбекистон", 2021. -Б. 233.
3. Давлатов О.Ғ. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш: Автореф. пед.фан.бўйича фал.док. – Тошкент, 2018. – 57 б.
4. Исмаилов А.Ф. Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш: Автореф. пед.фан.бўйича фал.док. – Тошкент, 2018. – 50 б.
5. Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш. дисс.пед.ф.н. –Тошкент, 2002. -134 б
6. Ярматов Р.Б. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш. педагогика фанлари доктори (DSc) дисс.. афтореф.. Т.: 2021. – 70 б.
7. Toshpo'latov T., G'afforov Ya.X. Tarix o'qitish metodikasi. –T.: "Turon-Iqbol", 2010.
8. Тоштемирова, С., & Тўраева, А. (2021). Тарих фанларини курслараро узвийлик асосида амалга оширишга қўйиладиган талаблар. Academic Research in Educational Sciences, 2(5), 894-906.
9. Искровская Людмила Владимировна. Формирование знаний учащихся об исторической ментальности (На материале курса всеобщей истории VII класса) дис. ... канд. пед. наук М. 2000. 271 с.
10. "Илк қадам" мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент – 2018 йил.
11. Тоштемирова С.А. Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш // педагогика фанлари бўйича фалс.докт.дисс. Тошкент, 2021. – 198 б.